

ХОРАЗМ ТАРИХИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ХОРАЗМ ТАРИХИ

ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА

ИСТОРИЯ ХОРЕЗМА

В СОВРЕМЕННЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

ТОШКЕНТ - УРҒАНЧ 2019

«Navro`z» нашриёти

UDK: 188.30.40

КВК: 62.07(5У)

Т34

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор Д.А. Алимова

Тақризчилар:

Тарих фанлари доктори Х. Тўраев

Тарих фанлари доктори, проф. М.Х. Исомиддинов

Тарих фанлари номзоди А.М. Жумаев

Мазкур китобда Хоразм воҳасининг археологияси, тарихи, манбашунослиги, этнологияси ва тарихшунослиги бўйича янги тадқиқотларнинг натижалари мужассамлашган. Унда Хоразм тарихининг қадимдан то бугунги кунгача бўлган даврда иқтисодиёт, савдо масалалари, дипломатик муносабатлар, сиёсий ва маданий жараёнлар ўз аксини топган.

Данная книга представляет результаты новых исследований по археологии, истории, источниковедению, этнологии и историографии Хорезмского оазиса. В ней отражены различные аспекты истории Хорезма, начиная от экономики, торговли до дипломатических отношений, и культурных процессов, хронологически охватывающих периоды с древности до современности.

Китоб ЎзР ФА Илмий кенгашнинг 14.03.2018 й. 4-сонли протоколи қарори билан нашрга тавсия этилган

Тахрир ҳайати:

Т.ф.д., проф. Д.А. Алимова

Т.ф.н. Ш.И. Асадова

Т.ф.н. С.Р. Баратов

Т.ф.д. С.Р. Давлетов

Т.ф.д. Н.А. Мустафасва

Т.ф.д., академик Э.В. Ртвеладзе

Т.ф.д. Ш.Б. Шайдуллаев

Китобни нашрга тайёрлаганлар:

Т.ф.н. Ф.Ш. Шамукарамова

М.Б. Шамсиев

Китобни дизайни:

Б.Ш. Шакаримов

ISBN: 978-9943-381-83-4

© «Navro'z» нашриёти 2019

кочевков и караванные пути в разных направлениях. Путешествия иностранцев по разным районам Хивы доставили богатые сведения о развитии городской жизни, численности населения. Началось научное издание первоисточников на европейских и восточных языках, осуществлялся перевод ряда работ русских исследователей. В процессе осмысления накопленных фактических материалов формировались исторические и философские концепции, с позиции которых западные исследователи пытались осветить тот или иной аспект жизни восточных народов.

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Ўзбек давлатчилиги тарихини комплекс шакллантириш мақсадида бугунги кунда Республикада олиб борилаётган тарихий тадқиқотлар йўналишида XX асрда содир бўлган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг тарихини ўрганиш алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: «Эл-юртимиз тақдирига даҳлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, беғуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз ҳам фарз эди»¹.

Уч минг йиллик давлатчилиқ анъаналарига эга бўлган ўзбек халқи тарихида Хоразм давлатчилиги алоҳида ўринга эга бўлиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси (1920 – 1924 йиллар) Ўзбек давлатчилигининг муҳим қисмини ташкил қилади.

XX асрнинг биринчи чорагидаги дастлабки тадқиқотлар Хива хонлигининг ағдарилиши, ХХСРнинг ташкил топиши ва фаолияти, ХКП тарихи, бевосита, шу воқеалар ва жараёнларнинг иштирокчилари бўлганлар томонидан ёритилгани билан ажралиб туради. Чунончи, Г.Б. Скалов², А. Виноградова³, К. Хромых⁴ тадқиқотлари Хоразмдаги сиёсий кучларнинг 1919 – 1920 йиллардаги воқеаларда тутган ўрни, уларнинг ўзаро муносабатлари ва партиялар раҳбарларининг сиёсий қиёфасини ўрганиш имконини беради. Шу билан бирга, бу тадқиқотчиларнинг аксарияти ўз илмий ишларида XX асрнинг биринчи чорагида Хоразмда юз берган сиёсий жараёнларда большевиклар партияси, Туркистон советлари, Турккомиссия, Туркбюро, қизил армия, ХКПнинг тутган ўрни ва ролини сунъий равишда ошириб ва оқлаб кўрсатишади, улар томонидан амалга оширилган хунрезликлар, талончиликлар, ғайриқонуний ҳаракатлар хасиўшланиб, Хоразм «инқилоби», ХХСР, ХКПнинг тарихий тажрибасини жаҳон социалистик давлатларга, бутун Шарққа ўрнак қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади⁵.

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 98-бет.

² Скалов Г.Б. Хивинская революция 1920 года // Новый Восток. 1923. № 4. С.25.

³ Виноградова А. Хорезмская Советская Народная Республика // Жизнь национальностей. 1923. Кн. 1.

⁴ Хромых К. Создание фронта в Средней Азии. Хорезмская Республика // Военная мысль. 1920. № 1.

⁵ Саматова Х. Победа народной революции в Хиве // Ученые записки юридического факультета САГУ. Вып. III; Ташкент, 1957. Гордиенко А. Создание народно-советского государства их права и их революционно преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. Ташкент: САГУ, 1959; Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национального государственного размежевания в Средней Азии. Ташкент: Госиздат УзССР, 1959; Мухамедбердиев К. Коммунистическая партия в борьбе за победу народной Советской власти в Хорезме. Ашхабад: Туркменгосиздат, 1959; Ўша муаллиф. История Хорезмской революции. Ташкент: Фан, 1986; История Коммунистических

Совет даврида Хоразмнинг XX аср биринчи чораги тарихига оид турли тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, кўплаб монографиялар ва рисоалар нашр қилинганлигини таъкидлаш лозим¹. Аммо тадқиқотчилар мавзуга коммунистик ғояга содиқлик руҳида бир ёқлама ёндошиб сиёсий кучлар, маҳаллий раҳбарлар фаолиятига аксарият ҳолларда салбий баҳо берадилар ёки мазкур масала, умуман, эътибордан четда қолган².

XX асрнинг иккинчи чорагида амалга оширилган тадқиқотларда, жумладан, И. Погорельский³, К. Мухаммадбердиев⁴, Х. Ҳамдамов⁵, Б. Искандаров⁶, И. Алимов⁷ Н. Ибодовлар⁸ тадқиқотларида ХХСРсининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тарихининг баъзи жиҳатлари ёритилган.

И. Погорельский, К. Мухаммадбердиев ва Х. Ҳамдамовларнинг тадқиқотларида эса Хива хонлигининг советлар томонидан ағдарилиши ва у ерда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Хоразм халқининг совет ҳокимиятига қарши кураши ва 1920 – 1924 йиллардаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларда олиб борилган тадбирлар кенг ёритиб берилган. Лекин, бу тадқиқотлар ҳам айнан коммунистик мафкура асосида ёритилиб, большевиклар юритган сиёсат ижобий баҳоланган.

Мустақиллик йилларида чоп этилган нашрларда XX аср биринчи чорагидаги

организаций Средней Азии. Ташкент: Узбекистан, 1967; История Узбекской ССР. Т. 3. Ташкент: Фан, 1967.

¹ Алексеев Л. Хивинское восстание. 1916. Ташкент, 1930; Непесов Г. Великий Октябрь и победа народных советских революций в Северном и Восточном Туркменистане. Ашхабад: Туркменгосиздат, 1958; Ўша муаллиф. Из истории Хорезмской революции. Ташкент: Узбекистан, 1962; Турсунов Х. Коммунистическая партия Туркестана, Бухары и Хорезма в период национального государственного размежевания в Средней Азии. Ташкент: Госиздат УзССР, 1957; Саматова Х. Победа народной революции в Хиве ...; Гордиенко А. Создание народно-советского государства и права и их революционно преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. Ташкент: САГУ, 1959; Коммунистические партии Туркестана, Бухары и Хорезма в период национального государственного размежевания в Средней Азии. Ташкент: Госиздат УзССР, 1959; Мухамедбердиев К. Коммунистическая партия в борьбе за победу народной Советской власти в Хорезме. Ашхабад: Туркменгосиздат, 1959; Он же. История Хорезмской революции. Ташкент: Фан, 1986; Ҳамдамов Х. Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши. Тошкент: Ўздавнашр, 1960; История Коммунистических организаций Средней Азии. Ташкент: Узбекистан, 1967; История Узбекской ССР. Ташкент: Фан, 1967. Т. 3; Погорельский И.В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конца XIX и начала XX вв. (1873-1917 гг.). Л.: Изд-во Ленинградского Гос. Унив., 1968; Он же. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики. Ленинград, 1984; Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX и начале XX века. М.: Наука, 1969; История Бухарской и Хорезмской народных советских республик. М.: Наука, 1971; Очерки истории коммунистической партии Узбекистана. Ташкент: Узбекистан, 1974; Каландаров Н. Образование и деятельность Хорезмской Коммунистической Партии. Ташкент: Узбекистан, 1975; История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент: Фан, 1976; Зиманов С. От освободительных идей к советской государственности в Бухаре и Хиве. Алма-ата, 1976; Касимов Ф.К. Минувшая капитализм. Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму. М.: Наука, 1980; Басмачество: социально-политическая сущность. Ташкент: Фан, 1984.

² Ҳамдамов Х. Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши. Тошкент: Ўздавнашр, 1960; История Коммунистических организаций Средней Азии. Ташкент: Узбекистан, 1967; История Узбекской ССР. Т. 3; Ташкент: Фан, 1967.

³ Погорельский И. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики (1917-1924 гг.). Л.: Изд-во ЛГУ, 1984. 228 с.

⁴ Мухамедбердиев К. История Хорезмской революции. ...

⁵ Ҳамдамов Х. Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши. Тошкент: Ўздавнашр, 1960. 192 б.

⁶ Искандаров Б.И. Борьба за установление Советской власти в Таджикистане (1920-1922 гг.). Душанбе: Дониш, 1986. 168 с.

⁷ Алимов И. Аграрные преобразование в Хорезме и Бухаре (1920-1924). Ташкент: Узбекистан, 1970. 80 с.

⁸ Ибодов Н. Ўзбекистон халқ аўжалигини бошқариш органлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1969. 60 б.

Хоразмда юз берган сиёсий жараёнларга, жумладан, Ёш хиваликлар партияси фаолияти, қуроли қаршилик кураши тарихига янгича нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим¹.

Бу давда яратилган асарлар орасида "Ўзбекистоннинг янги тарихи" (2-китоб)², рус тилида нашр қилинган Туркистоннинг XX аср бошларига оид йирик монография³ ҳамда "Тарих шохидлиги ва сабоқлари" монографияси⁴ муҳим ўрин тутди. Шунингдек, "Ўзбекистон тарихи (1917 - 1991 й.)" дарслиги⁵ ва бошқа дарсликларда юқоридаги масалаларнинг айрим жиҳатларига тўхтаб ўтилган.

Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан Хоразм тарихига оид кўпгина илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Жумладан, Муҳаммад Раҳимхон II Феруз (1864 - 1910) даври, Хоразм маърифатпарварлик мактаби, Ёш хиваликларнинг Хоразмдаги ўзгаришларда тутган ўрни, ХХСРнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тарихининг кўпгина жиҳатлари ёритилди.

Шу билан бирга бу давр адабиётларида ҳам айрим камчиликлар мавжуд, жумладан, «Хоразм тарихи» китоби ва айрим адабиётшуносларнинг асарларида бир ёқламалик аниқ кўзга ташланади⁶.

Кейинги йилларда юртимиз тарихига оид нашр қилинган монографиялар⁷, қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда⁸ Хоразм давлатчилигининг XX аср биринчи

¹ Тошқулов Ж. Ёш хиваликлар сиёсий қарашларнинг тадрижий ривожланиши // Халқ ва демократия. 1992. № 3-4. 55-61-бетлар; Ҳамидхужаев А. Ўзбекистон сиёсий тарихини ўқитишда ёш хиваликлар ҳақидаги материаллардан фойдаланиш методикаси // Ўзбекистон сиёсий тарихини ўқитишнинг муҳим муаммолари. Конференция материаллари. Тошкент, 1992. 18-20-бетлар; Абдуллаев К. Ёш хиваликлар // Хива. 1993. №2-3. 10-12-бетлар; Маткаримов М.М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, назирлари ва иқтисоди. Урганч, 1993; Кошанов Б.А. Право на вторжение (Неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хорезма в 1919-1920 гг.). Нукус, 1993; Кошанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакистана в первой четверти XX века. Нукус: Каракалпакистан, 1997; Кошанов Б.А., Сейтназаров М. Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1919-1920 гг.). Нукус: Билим, 1997; Рахимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив материалларидан фойдаланиш. Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Рахимов Р. История Хорезмской республики в свете новых исследований // ОНУ. 1995. № 9. С. 90-93; Он же. Хорезмский историк: Палваннияз Юсупов и его мемуары // ОНУ. 1996. № 1-3. С. 88-90; Раджапова Р.Я. Сурунли замонлар // Хива минг гумбаз шаҳри. Тошкент, 1997. 44-55-бетлар; Раджапова Р.Я. Хорезмская республика в 1921-1924 гг. // Туркестан в начале XX века. К истории истоков национальной независимости. Ташкент: Шарқ, 2000. С. 612-640; Абдурасулов А. Хива. Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Ёқубов И. Хива жадидалирининг маърифий қарашлари // Хива жаҳон маданияти дурдонаси. Конференция материаллари. Урганч, 1997; Ражабов К. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуроли муҳолифат кураши (1920-1924 йй.) / Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 249-270-бетлар; Ўша муаллиф. Хоразмдаги истиқлол ҳаракати ва Жунайидхон // Жамият ва бошқарув. 2000. № 1. 36-43-бетлар; Ўша муаллиф. Ёш хиваликлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент: Ўзб-тон Миллий Энц-яси нашриёти, 2002. Т. 3. 498-500-бетлар; Ўша муаллиф. Хоразм Халқ Совет Республикаси // Ўзбекистон миллий энциклопедиясини. Тошкент, 2005. Т. 9. 483-485-бетлар.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - 688-бет.

³ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. ...

⁴ Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойлиқларининг ўзлаштирилиши / Масъул муҳаррир Д.Алимова. Тошкент: Шарқ, 2001. 464 б.

⁵ Ўзбекистон тарихи (1917-1991). 10-синф учун дарслик / Масъул муҳаррир Д. Алимова. Тошкент: Шарқ, 2000 - 2006. 416 б.; Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юрғларининг номунахассис факультетлари талабалари учун дарслик) / Р.Х. Муртазаевнинг таҳрири остида. Тошкент: Янги асравлюди, 2003. 675 б.

⁶ Давлатёр Разжим. Шихназар Матрасул. Феруз: Шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент: Ғофур Ғулум номидаги нашриёти, 1991; Нусратулло Жумақўжа. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. Тошкент: Фан, 1995; Инсониятнинг илмий ва маданий мероси - учинчи минг йилликда. Бухоро ва Хива шаҳрларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997. 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. Тошкент: Ўзбекистон, 1997; Хоразм тарихи-II жилдлар. Урганч: Хоразм, 1997.

⁷ Туркестан в начале XX века: ...; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. ...

⁸ Рахимов Ж. Ўзбекистон тарихи (XX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошлари). 9-синф. Тошкент: Ўқитувчи, 2000; Бобобеков Х., Каримов Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. Тошкент: Шарқ, 2000; Алимова Д.А., Каримов Р.Х. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 - 1991 йй.) 10-синф ўқувчилари учун дарслик. Тошкент: Шарқ, 2000; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). Андижон, 2004 ва б.

чорагидаги тарихига, жумладан, Хоразмда юз берган сиёсий жараёнлар, қуроли қаршилиқ кураши тарихи, Хоразм жадиждари, Ёш хиваликлар партияси фаолияти алоҳида параграф ва бобларда берилганлигининг ўзи бу мавзуга ҳозирги кунда катта эътибор қаратилаётганидан дарак беради. Шунингдек, ўзбек ва рус тилларида чоп этилган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари»даги Д. Алимова¹, Қ. Ражабов² мақолаларида ҳамда С. Ҳасанов³ тадқиқотларида воҳадаги жадиждчилик ҳаракати ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнига алоҳида эътибор берилган.

Шунингдек, М. Ҳайдаров ўзининг номзодлик диссертациясида совет ҳокимиятининг Туркистондаги марказлаштириш сиёсати туғрисида тўхталиб ўтган. У Ўрта Осиё Республикалари Иқтисодий Кенгашлари туғрисида ҳам маълумот беради⁴. И. Ҳайдаров эса ўзининг номзодлик диссертацияси ва монографиясида Ўзбекистондаги Иқтисодий Кенгашлар фаолиятини ёритган⁵. Ш. Саидов ўзининг номзодлик диссертациясида ХХСРнинг ташқи муносабатлари ва савдо алоқаларини ўрганди⁶.

Н. Полвонов эса ўзининг номзодлик диссертацияси ва монографияларида Хоразмдаги ижтимоий-ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихини ёритиб берган⁷.

Хуллас, совет даври тадқиқотлари натижасида яратилган адабиётлар таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, XIX аср охирлари - XX аср бошларида Хива хонлигидаги ижтимоий - сиёсий вазият, Хива хонлигининг ағдарилиши ва ХХСРнинг тузилиши, Хоразм Компартиясининг ташкил топиши ҳамда Хоразм Республикасидаги «босмачилик» ҳаракати муаммоларини тарихий ҳақиқатга зид, коммунистик мафкура талабларидан келиб чиққан ҳолда ёритилди.

Мустақиллик даври тадқиқотларида эса воҳадаги жадиждчилик ҳаракати ва Ёш хиваликлар фаолияти, Хоразмга қизил армиянинг босқини, Жунаидхон бошчилигидаги советларга қарши ҳаракат, ўзбек давлатчилиги тарихида ХХСРнинг тутган ўрни масалалари бирламчи манбалар асосида ўзининг холис талқинини топмоқда.

Ушбу тадқиқотлар тарихий тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш, таъбир жоиз бўлса, ундан зарур сабоқлар олиш жиҳатидан ҳам ниқоятда муҳимдир.

¹ Алимова Д. Жадиждчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жадиждларнинг давлатчилиқка оид қарашлари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент: Шарқ, 2001. 149-172-бетлар.

² Ражабов К. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчилиқнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. ... 185-202-бетлар.

³ Ҳасанов С. Жадижд тарбияшунослиги асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1994. 123 б.

⁴ Ҳайдаров М. Централизаторская политика советской власти в Туркестане и её последствие (1917-1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1998. 32 с.

⁵ Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917-1934 йй.): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. Тошкент, 2007. 28 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917-1934 йй). Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008. 152 б.

⁶ Саидов Ш. Внешние отношения и торговые связи Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 2003. 23 с.

⁷ Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924 йй.): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. Тошкент, 2005. 31 б.; Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг биринчи чораги). Тошкент: Abumatbuot-konsalt, 2007. 388 б. ва б.

Манбаларда уй-жой қурилиши ва маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишда этноэкологик аспектлар (Хоразм воҳаси мисолида). <i>Н.Тўрақулова</i>	258
Хива хонлиги аёлларининг кундалик ҳаёти (XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошлари). <i>Ю.М. Раҳмонова</i>	262
Хоразм меъморий ёдгорликларини тиклашда қўлланилган зилзилага қарши услублар. <i>Г.С. Дурдиева, А.К. Заргаров</i>	268
Хоразм анъанавий ҳунармандчилигининг замонавий кўринишлари. <i>С.Т. Давлатова</i>	271
Хоразм амалий санъатининг ўзига хос хусусиятлари. <i>М.С. Абдуллаев</i>	276

III-қисм.

Хоразм тарихшунослиги ва манбашунослиги

Часть III.

Историография и источниковедение Хорезма

Илк ўрта аср гуманитар илмларини ёритувчи муҳим манба. <i>Р. Баҳодиров</i>	280
Хоразм Маъмун академияси олимлари илмий фаолиятининг методологик асослари. <i>С.У. Каримова</i>	284
Хоразм Маъмун академиясида аниқ фанларнинг ўрганилиши ва унинг жаҳон фанидаги ўрни. <i>А.А. Аҳмедов</i>	288
Хоразм Маъмун академияси илмий меросининг кейинги асрлар илм-фани ривожига таъсири. <i>О. Бўриев</i>	292
Ўрта асрлар хитой манбаларида Хоразм воҳаси тарихига оид баъзи маълумотлар. <i>Ш.Т. Қўлдошев</i>	298
Хоразмшоҳлар тарихига оид хитой манбалари. <i>Д. Дутураева</i>	302
Ўрта асрларда Хоразм ва Ҳиндистон илмий муносабатлари (Берунийнинг «Ҳиндистон» асари асосида). <i>М. Хандамова</i>	306
Ўрта аср манбаларида Орол денгизи тўғрисида қайдлар. <i>М.М. Хатамова</i>	310
Хоразм тарихини ўрганишда Абу Райҳон Беруний ижодининг аҳамияти ҳақида мулоҳазалар. <i>Н.Т. Абдуллажонов</i>	314
Амир Темур ва теурийлар даври Хоразм тарихи хориж ва совет тарихшунослигида. <i>Ш.Х. Юсупов</i>	318
Алишер Навоий девонларининг Хоразмда кўчирилган қўлёзмалари. <i>О. Мадалиева</i>	321
Шайх Камолиддин Ҳусайн ал-Хоразмий - хоразмлик улуғ аллома. <i>М. Хасаний</i>	326
XVI - XIX асрларда Хива хонлигининг Эрон ҳукмдорлари билан дипломатик ёзишмалари. <i>Н.А. Аллаева</i>	333
Муҳаммад Раҳимхон Феруз буйруғи билан кўчирилган девонлар таснифи (ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди мисолида). <i>С.Н. Файзиева</i>	337
Бухоро тарихининг Хоразм манбаларида ёритилиши ("Шажараи турк" асари мисолида). <i>Д.Х. Сангирова</i>	342
XVIII - XIX аср рус манбаларида Хива хонлиги тарихига оид маълумотлар. <i>Х.А. Буриева</i>	346
XVIII - XIX асрлар ёзма манбаларида Шовот Кат-қалъаси тарихига доир маълумотлар. <i>Б. Садуллаев</i>	351
Генерал В. А. Перовскийнинг Хивага ҳарбий юриши тарихшунослигига доир мулоҳазалар. <i>Ж.Х. Адилов</i>	355
Хива хонлиги ва Россия империяси билан савдо ва элчилик алоқаларининг қисқача тарихшунослик таҳлили. <i>З.И. Зинатуллаев</i>	360

Хоразм тарихининг топонимлардаги ифодаси. <i>Х.Ҳ. Давурова</i>	362
XIX аср Хива хонлиги солномаларида ҳижрий ҳисобнинг қўлланилиши. <i>Ҳ.Б. Назирова</i>	365
Хоразмлик аллома Одина Эшон ва унинг илмий мероси. <i>М. Раззоқова</i>	369
XIX аср рус муаллифларининг "Сафарнома" ларида Хива хонлигига оид маълумотларнинг ёритилиши. <i>Н. Кариева</i>	373
"Ғазалиёти Муғанний" – Хива хонлиги тарихини ўрганишда муҳим манба. <i>М.-М. Амонов</i>	376
Хива хонлиги оила-никоҳ муносабатларида аёлларнинг мавқеи (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид архив ҳужжатлари асосида). <i>Н.Ў. Хидирова</i>	379
Социальная стратификация общества Хивинского ханства в конце XIX – начале XX вв. <i>Н.Р. Махкамова</i>	384
Хоразм воҳасининг этнографияси ва моддий маданият тарихини ў ўрганишга доир (XX аср анъанавий манзилгоҳлари мисолида). <i>А.Ҳ. Дониёров</i>	390
XX аср совет ва мустақиллик йиллари ўзбек адабиётида Хоразм тарихининг ёритилиши. <i>Н.А. Мустафаева</i>	397
Обзор англоязычной литературы о Хивинском ханстве второй половины XX века в контексте Российского господства в регионе. <i>Д.А. Ташкенбаева</i>	401
Хоразм Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш масалаларига доир. <i>Н.Ш. Рахимов</i>	406
Профессор В. В. Цинзерлинг ва унинг иқлимшунослик муаммоларини ў ўрганишдаги роли. <i>Ф. Отажонов</i>	410
Олимжон Қодирий – Германияда олий таълим олган хоразмлик талаба. <i>Б.Ш. Ирзаев</i>	412
Ботаник, селекционер олим, академик Н. И. Вавиловнинг Хоразм воҳасига уюштирган илмий экспедицияси. <i>С. Наврўзов</i>	416
Г. П. Снесаревнинг Хоразм ўзбеклари қадимий диний эътиқодларини ў ўрганишдаги ўрни. <i>Б.Р. Халмуратов</i>	419
«Хорезмская экспедиция» – уникальное явление в археологической науке. <i>Ф.Ш. Шамукарамова</i>	422
Академик Яҳё Ғуломовнинг «Памятники архитектуры города Хивы» асарида эниграфик ёзувлар. <i>К. Худойберганов</i>	428
Сергей Толстовнинг Хоразм воҳаси археологиясини ўрганишдаги ўрни. <i>Ш.Н. Насриддинов</i>	433
Хоразм воҳаси тарихий ёдгорликларини ўрганишда Яҳё Ғуломов тадқиқотларининг ўрни (ЎзР МДА ҳужжатлари асосида). <i>М.С. Ҳамидова Я.</i>	436
Ғ. Ғуломов тадқиқотларида Хоразм шаҳри аграр тарихига оид маълумотлар. <i>О.Ш. Кдырниязов</i>	441